

## ЖИЗЗАХ ШАҲРИ ҲУДУДИДА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН *LIGUSTRUM* ТУРКУМ ТУРЛАРИ

**Ишанкулова Д.У**

*Табиий фанлар факультети Зоология ва анатомия кафедраси ўқитувчиси  
Жиззах Давлат Педагогика университети*

**Мамадалиева У.У**

*Табиий фанлар факультети 2 курс талабаси*

**Аннотация:** *Инсон ҳамиша табиат билан уйғун бўлишга интилади. Табиат гўзаллиги инсон руҳий олами билан боғлиқ ҳолда доимо ўзгариб туради. Бундай гўзалликлардан завқ олиш инсон баҳри дили қувонади. Жиззах шаҳри ҳудудини кўкаламзорлаштириш учун манзарали буталарни ўрни беқийс.*

**Калит сўзлари:** *Табиат, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, *Ligustrum lucidum*, *Ligustrum japonicum*, *Ligustrum henryi*.*

**Аннотация:** *Человек всегда стремится быть в гармонии с природой. Красота природы постоянно меняется по отношению к духовному миру человека. Наслаждаться такими красотами – человеческое наслаждение. Место декоративных кустарников для озеленения территории города Джизака бесподобно.*

**Ключевые слова:** *Природа, ландшафтный дизайн, озеленение, *Ligustrum lucidum*, *Ligustrum japonicum*, *Ligustrum henryi*.*

**Abstract:** *Man always strives to be in harmony with nature. The beauty of nature is constantly changing in relation to the spiritual world of man. It is a human pleasure to enjoy such beauties. The place of ornamental shrubs for landscaping the territory of the city of Jizzakh is incomparable.*

**Keywords:** *Nature, landscape design, gardening, *Ligustrum lucidum*, *Ligustrum japonicum*, *Ligustrum henryi*.*

Инсон ҳамиша табиат билан уйғун бўлишга интилади. Табиат гўзаллиги инсон руҳий олами билан боғлиқ ҳолда доимо ўзгариб туради. Бундай гўзалликлардан завқ олиш инсон баҳри дили қувонади Шаҳар ва қишлоқларда турли боғлар парклар, дам олиш масканлари барпо қилинмоқда [1: 107 б]. Моддий ва маънавий ўсиш маданий ҳордиқ чиқариш, қишлоқларни ободонлаштириш, турли-туман дарахт ва буталар ва уларни кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Табиатни кўриклаш ва муҳофаза қилиш табиий ресурсларни асраш кўкаламзорлаштириш майдонларни кенгайтириш янги парк ва дам олиш масканларини ташкил қилиш янги боғлар, парклар, яшил майдонлар ҳосил қилиш учун манзарали дарахт ва буталарнинг навларини кўпайтириш танлаш ва саралаш йўллари билан селиксия натижасида янги навларни келтириб чиқариш ишларига катта эътибор берилмоқда [2: 117- 129 б].

Ялтироқ лигуструм - *Ligustrum lucidum* Ait

Ботаник таснифи: Зайтундошлар оиласига мансуб доимий яшил манзарали бута, баландлиги 10 м гача етади. Барглари қаттик, устки қисми силлиқ пўстсимон ялтирок. Кенг шоҳлаб ўсувчи бута. Асал берувчи. Меваси

қорамтир рангли, истеъмолга яроқсиз. Меваси қиш давомида ўз рангини йўқотмаган ҳолда ўсимликда сакланиб қолади. Май ойида гуллайди. Меваси октябр-ноябр ойларида пишиб етилади, ҳар йили қийғос гуллаб, мева беради [3: 207 б.,4: 10-22 с.,6: 124 б].

Ватани: Шарқий Осиё.

Тарқалиши: Корея, Хитойда кенг тарқалган.

Ер юзида 30 тури мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда Тошкент Ботаника боғида ушбу туркумнинг 8 та манзарали турлари мавжуд.

Кўпайтириш ва экиш бўйича тавсиялар: *Ligustrum lucidum*, асосан, қаламчасидан жуда осон кўпаяди. Қаламчаларни қўйиш муддатлари: баҳорги ва ёзги яшил новдалари орқали кўпайгирилади. Қаламчалар узунлиги 10-12 см ни ташкил этади. Илдиз олишини тезлаштириш учун хдр хил стимуляторлар (гетероауксин, корневин, рибав-экстра гумат)дан ҳам кенг фойдаланилади. Қаламчалар соя ерга тоза дарё кумига 6-8 см чуқурликда қия қилиб қўйилади. Илдиз олган кўчатлар бир йилдан сўнг баҳорда ниҳолхона бўлимига 60x60 см ли жўякларга кўчириб ўтказилади. Уруғини кузда 2-2,5 см чуқурликда экилади. Иккинчи йилги ниҳоллар баҳорда кўчатхоналарга 70x100 см қилиб шахмат усулида экилади. Кўкаламзорлаштиришда бир катор қилиб экилганда эса, дарахт оралари 3 м, гуруҳ ҳолда экилганда эса 3x3 м қилиб экилади. Ярим соя ерларда ҳам яхши ўсади. Тупроқ унумдорлигига талабчан эмас. Қаттик совуқларга чидамсиз, совуқ урганда, илдиз бўғизидан кайта тикланиб ўсади. Ҳар хил шакллар бериб ўстириш мумкин. Кўкаламзорлаштиришда шаҳарларда истироҳат боғларида, хиёбонларда ва соғломлаштириш масканларида фақатгина Республикаимизнинг Тошкент, Фаргона, Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятларида шаҳар ичларида фойдаланиш мумкин, шаҳар шароитидан ташқари ҳудудлар иқлимига чидамсиз.

Япон лигуструми - *Ligustrum japonicum* Thunb

Ботаник таснифи: Зайтундошлар оиласига мансуб доимий яшил манзарали бута, баландлиги 3 м гача етади. Барглари қаттик устки қисми силлиқ пўстсимон. Асал берувчи, чиройли шоҳлаб ўсувчи бута. Меваси Қорамтир рангли, истеъмолга яроқсиз. Меваси қиш давомида ўз рангини йўқотмаган ҳолда ўсимликда сакланиб қолади. Бу эса унинг манзаралилик хусусиятларини янада оширади. Май ойида гуллайди. Меваси октябр-ноябр ойларида пишиб етилади, ҳар йили гуллаб, мева беради. [3: 207 б.,4: 10-22 с.,6: 124 б].

Ватани: Шарқий Осиё.

Тарқалиши: Корея, Япония, Хитойда (Тайвань) кенг тарқалган. Кўпайтириш ва экиш бўйича тавсиялар: *Ligustrum japonicum* уруғидан ва қаламчасидан осон

кўпаяди. Қуёшсевар ўсимлик, лекин яримсоя ерларда ҳам яхши ўсади. Тупроқ типини танламайди.

Қаттик совуққа, иссиққа, сувсизликка ва касалликларга чидамли. Асосан, қаламчасидан жуда осон кўпаяди. Қаламчаларни қўйиш муддатлари: қишки ва ёзги новдалари орқали кўпайтирилади. Қаламчалар узунлиги 10-12 см ни ташкил этади. Илдиз олишини тезлаштириш учун турли стимуляторлар (гетероауксин, корневин, рибав-экстра гумат)дан ҳам кенг фойдаланилади. Қаламчалар соя ерга тоза дарё қумига 6-8 см чуқурликда қия қилиб қўйилади. Илдиз олган кучатлар бир йилдан сўнг баҳорда ниҳолхона бўлимига 60x60 см ли жўякларга кўчириб ўтказилади.

Уруғидан ҳам экиб кўпайтириш мумкин. Экиш муддати кузда 1-1,5 см чуқурликда сепилади. Иккинчи йилги ниҳоллар кўчатхонага 70x100 см қилиб шахмат усулида экилади. Кўкаламзорлаштиришда бир қатор қилиб экилганда эса дарахт оралари 3 м, гуруҳ ҳолда экилганда эса 3x3 м қилиб экилади. Турли хил шакллар бериб ўстирилади, асосан, кўкаламзорлаштиришда шаҳарларда истироҳат боғларида, хиёбонларда ва соғломлаштириш масканларида фойдаланилади. Кўкаламзорлаштиришда Республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятларида шаҳар ичида фойдаланиш мумкин, шаҳар шароитидан ташқари ҳудудлар иқлимига чидамсиз.

Генри лигуструми -*Ligustrum henryi* Hemsl

Ботаник таснифи: Зайтундошлар оиласига мансуб доимий яшил кенг шохлаб ўсувчи манзарали бута. Баландлиги 4 м гача етади. Барглари қаттиқ устки қисми силлиқ. Меваси қорамтир рангли, истеъмолга яроқсиз. Меваси қиш давомида ўз рангини йўқотмаган ҳолда ўсимликда сакданиб қолади. Апрель ойида гуллабди. Асал берувч меваси октябр-ноябр ойларида пишиб етилади. Хар йили кўплаб гуллаб, мева беради. [3: 207 б.,4: 10-22 с.,6: 124 б].

Ватани: Шарқий Осиё.

Тарқалиши: Корея, Япония, Хитойда кенг тарқалган.

Кўпайтириш ва экиш бўйича тавсиялар: *Ligustrum henryi* уруғидан ва қаламчасидан кўпаяди. Қуёшсевар ўсимлик, лекин ярим соя ерларда ҳам яхши ўсади. Тупроқ типини танламайди. Асосан, қаламчасидан жуда осон кўпаяди. Қаламчалар узунлиги 10-12 см ни ташкил этади. Илдиз олиш кўрсаткичларини ошириш учун гўрли стимуляторлар (гетероауксин, корневин, рибав-экстра гумаг)дан ҳам кенг фойдаланилади. Қаламчалар соя ерга тоза дарё қумига 6-8 см чуқурликда қия қилиб қўйилади. Илдиз олган кўчатлар бир йилдан сўнг баҳорда ниҳолхона бўлимига 60x60 см ли жўякларга кўчириб ўтказилади

Уруғидан ҳам экиб кўпайтириш мумкин. Экиш муддати кузда 2-2,5 см чуқурликда сепилади. Иккинчи йил ниҳоллар кўчатхонага 70x100 см қилиб шахмат усулида экилади. Кўкаламзорлаштиришда бир қатор қилиб экилганда эса, дарахт оралари 3 м, гуруҳ ҳолда экилганда эса 3x3 м қилиб экилади. Қуёшсевар ўсимлик, тупроқ типини танламайди. Кескин иқлим шароитга, газга, касаллик ва

зараркунандаларга чидамли. ҳар хил шакллар бериб ўстирилади, шаҳрларда истироҳат боғларида, хиёбонларда ва соғломлаштириш масканларида кенг фойдаланилади.

Кўкаламзорлаштиришда факатгина Республикамизнинг Тошкент, Фаргона, Андижон, Наманган ва Самарканд вилоятларида шаҳар ичларида фойдаланиш мумкин, шаҳар шароитидан ташқари ҳудудлар иқлимига чидамсиз.

Хулоса қилиб айтганда, шифохона ташкилот, корхона, ўқув масканлари атрофида барпо этилган яшил ўсимликлар дунёси, албатта ҳар томонлама ўзининг қандайдир экологик ва иқтисодий самарадоригига эга бўлади. Кўкаламзорлаштирилган ҳудуд атрофидаги яшил дарахтзорлар, хусусан *Ligustrum* туркум турлари ва бошқа манзарали ўсимликлари Шифохонада даволанаётган кишилар учун тоза ҳаво кислород манбаи бўлиб ҳисобланади. Ҳар хил турдаги аралаш экилган мавжуд игнабаргли манзарали дарахт ва буталар эса шифохонада даволанувчилар учун эстетик завқ бахш этади ва ажойиб, кўркем сайилгоҳ бўлиб ҳам ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қайимов А.Қ., Турок Дж. «Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш» Тошкент-2012 107 б
2. Nematov E., Xuramov B., Muqumov I., Muqumov O'. Samarqandning yashil qalqonlari, Samarqand-2007 yil. 117- 129 b.
3. ҲайдаровҚ. Х., ҲожиматовҚ. Х. Ўзбекистонўсимликлари. Тошкент. Ўқитувчи, 1995. 207 б.
4. Баженов Ю., А. Лысиков, А. Сапелин «Декоративные деревья и кустарники» Москва «Фитон+», 2011. 10-22 с.
5. Ишанқулова Д.У, Қўзиева С.Ў Шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда манзарали ўсимликларнинг ўрни. Жиззах давлат педагогика институти XXI асрда биологиянинг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг аҳамияти
6. Xonazarov A.A. va boshqalar. O'zbekiston hududini ko'kalamzorlashtirishda foydalaniladigan asosiy manzarali daraxtlar va butalar. T.: 2008, 124 b